

Муносабат

## КУЧ — АДОЛАТДА!

Президентимизнинг "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори халқимиз тарихий хотирасини мустаҳкамлаш, миллий давлатчилигимиз асосларини чуқур англаш ва келажак авлодни буюк аждодлар мероси руҳида тарбиялаш йўлидаги муҳим ва стратегик ҳужжат бўлди.



### Етти асрда ҳам эскирмаган ҳикмат

**Робохон МАХМУДОВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
партия фракцияси раҳбари

"Адолат" СДП Соҳибқирон бобомизнинг умминсониятга қаратилган "Куч — адолатда!" қақирғини ўзига шior билган сиёсий куч сифатида давлат раҳбарининг ушбу қарорини юксак мамнуният билан қабул қилади. Биз мазкур қарорни Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарихий ташаббус сифатида баҳолаймиз.

Бобоқалонимиз адолатли давлат бошқаруви, кучли тартиб-интизом, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида жаҳон тарихида беқиёс из қолдирган улўғ сий-

модир. У асос солган салтанат ва теурийлар даври бутун инсоният тараққиёти учун муҳим бўлган Иккинчи уйғониш даврининг пойдеворини яратди.

Мустабид тузум йилларида ноҳақ қораланган Амир Темур номининг мустақиллик даврида тиклангани тарихий адолатнинг қарор топганидан далолат беради. Бугун эса бу меросни чуқур ўрганиш, уни илмий асосда тарғиб қилиш ва ёш авлод онгига синдириш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, партиямиз Сайловолди дастурида ҳам тарихий адолат, миллий қадриятларни тиклаш, маънавий

баркамол авлодни тарбиялаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Мазкур қарор, аввало, ёшлар тарбияси масаласида янги имкониятлар эшигини очади. Ҳар йил апрель ойини "Амир Темур ойлиги" деб эълон қилиш ташаббуси халқимизнинг тарихий онгини мустаҳкамлаш, ўқувчи ва талаба ёшлар қалбида миллий ғурур ва масъулият туйғусини кучайтиришга хизмат қилади.

Теурийлар даври тарихини тизимли ўрганиш ва илмий асосда кенг тарғиб қилиш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқлангани алоҳида эътиборга лойиқ.

Хусусан, халқаро илмий конференциялар ўтказиш, "Теуур тузуқлари"ни бир неча тилларда илмий изоҳ билан нашр қилиш, ноидр кўлэмалар ва дурдоналарни жамлаш каби вазифалар белгиланмоқда.

Бу ташаббуслар нафақат тарихчилар, балки бутун илмий жамоатчилик учун янги ўқлар очади. Зотан, теурийлар даври

мероси бугунги тараққиётимиз учун ҳам илҳом ва тажриба манбаидир.

Президент қарориди "Буюк теурийлар" атамасини халқаро илмий истилоҳ сифатида жорий қилиш вазифаси қўйилгани, айниқса, долзарбдир. Бу орқали Ўзбекистон нафақат ўз тарихини ўрганади, балки уни дунёга илмий ва маданий бренд сифатида тақдим этади. Бу мерос халқаро анжуманлар, тақдиротлар, медиа тадбирлар орқали яна кенг оммалашмоқда.

Музейлар ва маданий инфратузилмани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар шу жиҳатдан замон талабига мос ташаббуслар саналади.

Биз маданият ва маърифатни жамяят тараққиётининг муҳим омили сифатида кўраемиз. Шу маънода, буюк аждодлар меросини ўрганиш орқали Учинчи ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида халқимизни бирлашишга қақираемиз.

## Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 543 yilligi



Ҳазал

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,  
Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга.  
Нетайман ул рафиқ билаким, қилур баче,  
Меҳру вафо рақибга, жабру жафо санга.  
Бегона бўлса ақл мени тилбадин, не тонг,  
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.  
Оху ёшимдан орта дурур заъф, эй табиб,  
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.  
Дардим кўруб муолажада зоеъ этма умр,  
Ким, жонда дарди ишқ дурур бедаво манга.  
То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,  
Ташиш бежиҳат дурур охир сурат манга,  
Бобур, бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,  
Келса не бўлди қошимга бир-бир манго, манга.

Рубоий

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатга киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатга киши.  
Кўнгулму бу ғарибликта фод улмади ҳеч,  
Ғурбатга севунмас эмиш, албатта, киши.

## Партиямиз нуфузи халқаро майдонда

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган "Адолат" СДП халқаро ҳамжамият эътиборини ҳам қозониб бормоқда.

Партиянинг Гулистон шаҳар "Ёшлар қаноти" раиси, Ислам Каримов номидидаги давлат стипендияси соҳиб

Аслидин Сирожиддиновнинг Кенияда чоп этиладиган "The Kenya times" газетасида ёритилган илмий-сиёсий мақоласида шу ҳақда сўз юритилган.

"Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ижтимоий адолат сиёсати" сарлавҳали мақолада мамлакатимизда юз бераётган сиёсий ислохотлар ва ушбу жараёнда партиямизнинг фаол иштирок этаётгани, дастурий мақсадлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ижтимоий ҳимоя, қонун усту-

### Uzbekistan's Adolat Party and the Politics of Social Justice



ворлиги ва тенг имкониятлар яратиш гоғлари халқаро тажриба билан қиёсланган.

Бу каби мақолалар хорижий сиёсатшунслар ва экспертларда Ўзбекистондаги кўппартиявийлик тизимига нисбатан қизиқини оширишига хизмат қилади.

**Муниса СОБИРЖОН,**  
Сирдарё вилояти кенгаши  
матбуот котиби

## Адабий-маърифий анжуман



**Миллат маънавиятининг ИККИ ҚАНОТИ**




**БЛОГЕР ЭРКИНЛИГИ,**

**билим ва журналистика чегараси**

... Ҳар бир блогер ўз-ўзига: "Бу ҳаволани фарзандим ёки яқинларим кўрса, уялиб қолмайманми?", деган саволни бериши керак. Агар жавобида иккиланиш бўлса, демек йўл нотўғри танланган.

Блогер ижтимоий тармоқ орқали минглаб, баъзан миллионлаб инсонларга таъсир кўрсади. Нотўғри сўз, асоссиз айблов, ҳақорат ёки ёлғон шов-шув нафақат аудиторияни, балки умумий ижтимоий муҳитни ҳам захарлайди. Шу маънода блогер хоҳласа-хоҳламаса — жамоатчилик олдида ўрнатилган қабул қилинади.



**Бизнинг илдизимиз, бизнинг келажакимиз!**

# Миллат маънавиятининг ИККИ ҚАНОТИ



Айни кунларда юртимизда шеърят мулкининг султони, буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги ҳамда улуғ саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 543 йиллиги кенг нишонланмоқда.

## Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ, “Адолат” СДП Матбуот хизмати етакчи мутахассиси

Ушбу саналар миллатимиз маънавий ҳаётида ўзликни англашга, шонли тарихимизни янада чуқуროқ англаб, унинг илдизларидан қувват олишга, келажакка ишонч билан қадам ташлашга ундаши билан аҳамиятлидир. Чунки Навоий тафаккур мактаби, адолат ва инсонпарварлик тимсоли, миллат руҳиятининг юксак чўққиси сифатида таърифланади. Бобур эса юксак давлатчилик маданияти, матонат ва зукколик намунасини ўзида мужассам этган шахсдир. Уларнинг адабий меросида тараннум этилган эзулик, адолат, меҳр-оқибат ва илмга муҳаббат ғоялари асрлар оша аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

лабалар, ОАВ вакиллари қатнашди. Учрашув аввалида сўз олган университетнинг халқаро ҳамкорлик бўйича проректори Дилноза Холмуродова мазкур олий таълим муассасида таълим, илм-фан ва кадрлар тайёрлаш йўналишларида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда адабий-маърифий соҳадаги кенг қамровли ўзгаришлар ҳақида атрафлича маълумот берди.

Бунда университет фақат билим берувчи маскан эмас, балки юксак маънавият ва миллий тафаккурни шакллантирувчи даргоҳ эканини алоҳида таъкидлади. Қайд этилганидек, таълим жараёни замонавий талаблар асосида ташкил этилмоқда, илгор хорижий тажрибалар жорий қилинмоқда, илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишга қаратилган янги механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ бу жараёнда энг муҳим жиҳат — талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси экани ургунланди. Зеро, чуқур билим маънавият билан уйғунлашгандагина, жамият тараққиётига хизмат қиладиган баркамол шахс камол толади. Айниқса, адабий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, китобхонлик анжуманлари ва “маънавият соатлари”нинг мазмун-моҳияти бевосита Алишер Навоий ва Заҳи-

ридин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш билан узвий боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.

Бу борада икки аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманлар, давра суҳбатлари, адабий кечалар мунтазам ўтказилиб, талабаларнинг улар асарларини нафақат ўқиши, балки теран таҳлил қилишига шaroит яратилмоқда. Шундан сўнг, “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдукамол Раҳмонов икки мутафаккирнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасига тўхтади.

— Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур — нафақат адабиётимиз, балки миллий давлатчилигимиз ва маънавий қиёфамизнинг асосчиларидир. Уларнинг асарларида илгари сурилган “Адолат — давлат ва жамият таянчи” деган тамойил бузун биз барпо этаётган Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларига тўла мос келади. Глобаллашув ва мафкуравий курашлар кескинлашган бугунги даврда ушбу бебаҳо мерос биз учун маънавий қалқон, тўғри йўлни кўрсатувчи маёқ вазифасини ўтайди, — деди Абдукамол Раҳмонов.

Маърифий учрашув давомида Қуйи палата депутати, юридик фанлари доктори Шухрат Якубов, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари — Давлат сиёсати ва бошқарув академияси доценти, Халқаро “Алишер Навоий” кўрак нишонини соҳиби Мансур Юнус ҳамда таниқли шоир Насрулло Эргаш томонидан икки аллома ижодининг ўзига хос қирралари, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий қарашлари ҳақида мазмунли ва илмий асосланган маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар Навоийнинг адолатпарварлик ғоялари ва Бобурнинг давлат бошқар-

руви борасидаги тажрибаси бугунги кун учун ҳам долзарб эканини мисоллар билан асослаб бердилар. Талабалар томонидан Бобур ва Навоий ҳаётидан саҳналаштирилган лавҳалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ёш ижрочиларнинг самимий чиқишлари улуғ аждодлар руҳини гўё яна бир бор замонамизга олиб киргандек бўлди.

Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли актриса Дилноза Кубаева ифодасида жаранг сочган ғазал намуналари ҳамда устозода санъаткор Азиз Ражабий икки эртанги миллий қўшиқлар эса тадбирга ўзгача шукӯҳ ва руҳий кўтаринкилик бағишлади. Яқунда адабий анжумани ташкил этишда жонбозлик кўрсатган масъуллар, меҳмонлар ва фаол иштирокчи-ёшлар партия раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди.

Дарҳақиқат, Навоий — қалб тарбиячиси, Бобур — ирода мураббийси. Улар ижодига таянадиган педагог эса нафақат билим беради, балки шахс камолотини ҳам таъминлай олади. Чунки маънавиятсиз таълим — қушнинг бир қанотидек ожиз, икки қанот уйғун бўлгандагина, парвоз барқарор ва баланд бўлади.

Айни шу маънода, “Икки буюк даҳо — миллат маънавиятининг икки қаноти” деб номланган кеча миллий педагогика университети муҳитига ҳар жиҳатдан мос ва рағбий аҳамият касб этди. Негаки, бу даргоҳда таълим олаётган ёшлар эртанги кўрак нишонини соҳиби Мансур Юнус ҳамда таниқли шоир Насрулло Эргаш томонидан икки аллома ижодининг ўзига хос қирралари, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий қарашлари ҳақида мазмунли ва илмий асосланган маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар Навоийнинг адолатпарварлик ғоялари ва Бобурнинг давлат бошқар-

## Фаоллар эътироф этилди

Ўтган даврдаги фаолият таҳлили ва янги марралар белгилаш партия тизимидаги барқарорлик ва самарадорликни таъминлайдиган муҳим босқичдир. Шу маънода, “Адолат” СДП Бухоро вилояти кенгашининг 2025 йил якунларига бағишланган сарҳисоб йиғилишида амалга оширилган ишлар танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилиб, жорий йилдаги устувор вазифалар аниқ белгилаб олингани билан аҳамиятли бўлди.

Тадбирни вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов очиб бериб, ўтган йил мобайнида туман ва шаҳар кенгашлари томонидан олиб борилган фаолиятни атрофлича таҳлил қилди. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликларни ҳам тилга олиб, уларни бартараф этиш бўйича тавсия берди. Ташкилий ишлар бўйича раис ўринбосари Рауф Сувонов сессияларга киритилган масалалар, доимий комиссиялар ҳамда депутатлик фаолиятининг амалдаги кўрсаткичлари, натижадорлик ҳолатига тўхтади.

Айрим ҳудудларда ташаббускорлик етарли даражада эмаслиги, сессиялар фаолиятида муайян суस्तашлик ҳолатлари кузатилганини таъкидлади. Мафкуравий ишлар бўйича раис ўринбосари Санжар Майдонов эса йил давомида амалга оширилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини сарҳисоб қилди. У партиянинг жамиятдаги танилувчанлиги ва нуфузини ошириш йўлида фаол иш олиб борган туман ва шаҳар кенгашларини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик, ахборот майдонидagi фаоллик ҳамда мафкуравий ва ахборот йўналишида самарали иш олиб борган маҳаллий кенгашларни алоҳида таъкидлаб ўтди.



Йиғилиш сўнггида ташкилий ва мафкуравий йўналишларда фаол туман-шаҳар кенгашлари эълон қилинди. Иккинчи ўрин Бухоро шаҳар кенгашига, учинчи ўрин эса Олот туман кенгашига насиб этди. Ғолиб сифатида эътироф этилган Когон шаҳар кенгаши дипломи ва компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

Моҳиғул РАҲИМҚУЛОВА,  
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

## Ўрганишлар самарали кечди

Халқ депутатлари Муборак тумани Кенгаши депутати Ойсулук Абдиева “Ешлик” маҳалласидаги “етглик” вакиллари ва фуқаролар билан мулоқот ўтказиб ижтимоий муаммолар, ҳудуд ободлиги ва ички йўллари таъмирлаш каби масалаларини ўрганди.

Навбатдаги манзил — “Геолог” маҳалласи бўлди. Депутат иш тополмаётган Моҳина Жумаева муурожаатини шу ернинг ўзида қаноатлантириб, туман ободонлаштириш бўлимига ишга жойлаштирди. Шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш, хусусан, тикувчилик цехи очиб, иссиқхона қуриш учун имтиёзли кредит ва бошқа муаммоларга доир масалалар ижобий ечим топди.

Эътироф этиш кераки, юртимизда муҳтожларга ёрдам бериш, қарияларни эъзозлаш, хасталар ҳолидан хабар олиш, меҳр-мурувват, оқибат кўрсатиш эзгу анъанага айланган. Шу сабабли, Ойсулук Абдиева маҳалладаги учрашуви давомида улуғ ёшни қаршилаган нуронийлар хонадонига ҳам бориб, улар ҳолидан хабар олди. Кексаларнинг соғлигини тиклаш учун тиббиёт муассасаларига имтиёзли йўлланма олишига кўмаклашди.

Замира РАСИЛОВА,  
Муборак тумани кенгаши раиси

## Томорқалар сув билан таъминланди

Қишлоқ жойларда томорқа оиланинг қўшимча даромад манбаи ва барқарор турмуш гаровидир. Шу боис, сув таъминоти билан боғлиқ ҳар қандай узилтиш ёки танқислик аҳоли ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади.



Ўзбекистон тумани “Богобод” маҳалласида яшовчи фуқаролар ҳам айнан шу турдаги муаммага дуч келганди. Томорқа майдонларидаги экинларни суғориш имконияти чеклангани сабабли дарахтлар қуриб қолиш хавфи ошган, мавсумий ҳосилга путур етиши эҳтимоли кучайганди.

Бу эса нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши табиий. Муаммага ечим топиш мақсадида фуқаролар халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ражабали Султоновга муурожаат қилди. Муурожаат ўрганилиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрилди. Депутатнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижада аҳоли томорқаларини суғориш учун Фарғона каналидан сув тармоғи тортиб берилди.

Натижада аҳоли томорқаларига барқарор сув етказиб бериш имконияти яратилди. Натижада фуқаролар ўз ерларини юмшатиб, экин экиш, қўчаларни асраб-авайлаш ва ҳосилдорликни ошириш ишларини олиб борадиган бўлди. Ҳа, фаол депутатларимиз аҳоли муурожаатларига бефарқ эмас. Фаолиятимиздаги энг муҳим мезон ҳам халқ ишончини оқшадир.

Гулчехра АҲМЕДОВА,  
Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби

## Фракция йиғилиши



# Электрон тижоратнинг шаффоф ва очиқ экотизими яратилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар партия Соҳибқирон бобомизнинг “Куч — адолатда!” — умуминсоний қақриғини ўз шиори сифатида қабул қилган сиёсий куч сифатида давлат раҳбарининг ушбу қарорини қўллаб-қувватлашини таъкидладилар.

Мазкур ҳужжат ёш авлод тарбиясида янги имкониятлар эшигини очиши қайд этилиб, ҳар йили апрель ойини “Амир Темур ойлиги” деб эълон қилиш ташаббуси халқимизда тарихий онгни юксалтириш, ўқувчи ва талаба ёшлар қалбида миллий ғурур ҳамда масъулият туйғусини кучайтиришга хизмат қилиши ургунланди.

Шундан сўнг, фракция аъзолари электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Маълум қилинганидек, ушбу қонун лойиҳаси электрон тижоратнинг шаффоф ва очиқ экотизи-

мини яратиш, электрон тижорат платформалари ва сервисларини жадал ривожлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида электрон тижорат соҳасида истеъмолчилар муомаласига кириб бораётган янги йўналишлар — электрон савдо платформаси, буюртмалар агрегатори ва рақамли стриминг хизмати ҳамда уларнинг операторлари тушунчалари аниқлаштирилди.

Шунингдек, трансчегаравий электрон тижорат атамасига таъриф берилиб, унинг тартиб таомилларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги қондалар киритилди.


Муҳокамалар давомида фракция аъзолари Бехзод Тўхтамурадов ва Зиёдбек Юнусовлар лойиҳанинг аҳамияти юзасидан ўз нуктаи назар-

ларини билдириб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган таклифлар эътиборга олингани ҳамда улар асосида ҳужжат матни маромига етказилганини қайд этдилар.

— Ушбу қонун лойиҳасида электрон тижорат билан боғлиқ хизмат кўрсатиш ва савдо муносабатларида истеъмолчиларга танлов қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш ҳамда улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор ўзгаришлар киритилди, — деди фракция аъзоси Б.Тўхтамурадов. — Хусусан, электрон тижорат операторларига истеъмолчилар томонидан шартлар қолдириш имкониятини яратиш, уларни ўзгартирмаслик ва сақлашни таъминлашга оид мажбуриятлар белгиланди. Унда назарда тутилмаётган нормалар эса иқтисодиётдаги яширин айланмалар ҳажмини қисқарттириш ҳамда электрон тижорат муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қиладди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.





# Адолат хукмдор сиймоси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи нафақат халқимиз, балки бутун туркий ва жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутди. Шу кунларда буюк давлат арбоби, зукко саркарда, дилбар шоир ва беназир тарихнавис-олим сифатида танилган бобокалонимиз таваллудининг 543 йиллиги кенг нишонланмоқда.

## Орифжон ОДИЛОВ, тадқиқотчи

Бобурнинг кечмиши кураш ва изланишлар, мағлубият ва ғалабалар, орзу ва армонлар рамзи сифатида бошқа саркардалар ҳаёт йўлидан ажралиб туради. У атиги 12 ёшида Фарғона тахтига ўтириб, 15 ёшида темирийлар пойтахти Самарқандни эгаллашга муваффақ бўлади. Бу ёшда кўпчилик болалар ҳали ҳаётнинг оддий қоидаларини ўрганаётган бўлса, Бобур давлат бошқарувида масъулиятни зиммасига олиб, адолатни ўз давлатчилигининг устувор тамойили сифатида белгилайди.

“Бобурнома” асари Бобур шахсиятининг энг ишончли ва самимий манба-сидир. Унда муаллиф ҳаётининг энг муҳим нуқталари, юришлари, мағлубиятлари ва ғалабалари очиқ-ойдин баён этилган. Асарда Хумоюн мирзо ва унинг тимсолида келажак авлодга қарата айtilган шундай жумлалар бор: “Агар Тангри таолонинг инояти билан ҳар ишда адл ва инсофни шоир қил-иб, халқнинг ризолигини толасан, сенинг давлатинг боқий ва мустаҳкам бўлур”. Бу сўзлар бобокалонимиз давлатчилик фалсафасининг асосий ме-зонни эди.

Бобур учун адолат халқ манфаатини устувор қўйиш, давлатни мустаҳкам қонун ва тартиб асосида бошқариш эди. У ҳокимиятни шахсий манфаат ёки зўравонлик воситаси эмас, балки халққа хизмат қилиш имконияти деб билди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, улуғ саркарда ўз аскарлари ва амалдорларидан қатъий интизом талаб қилган. Аммо бу интизом зўравонликка эмас, тартиб ва масъулиятга асосланганини хоҳлаган. У талон-торожни қаттиқ қоралар, аҳолига зулм ўтказганларни жазоларди. “Бобурно-ма”да бир неча бор шундай ҳолатлар тасвирланадики, у ерда Бобур аскар-ларининг ноҳақ ҳаракатларига қарши кескин чора кўради. Бу эса унинг адолатга бўлган қатъий муносабатини кўрсатади.

Бобур Ҳиндистонда Бобурийлар давлатини барпо этган, маҳаллий аҳо-лига нисбатан бағрикенг сивасат юритгани ҳам тарихий фактир. У диний ва миллий масалаларда муросага асосланган ёндашувни танлайди. Турли мил-лат ва этникод вакилларининг тинч-тотув яшашига шароит яратди. Давлат бошқарувида маҳаллий аҳоли вакилларини жалб этиб, уларнинг ҳуқуқла-рини ҳурмат қилади. Ҳатто, ўзидан аввалга ҳукмдор, жангда ҳалок бўлган Иброҳим Лодийнинг онаси – малика Байдига иззат-икром кўрсатади, Лодий-лар ҳукмронлиги барҳам топган бўлишига қарамай, уни малика мақомида қолдиради, сарой инъом этади.

Дарҳақиқат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур табиатан шоир ва мутафак-кир бўлгани боис, унинг қалбида меҳр ва инсоф туйғулари устувор эди. У ўз шеърларида ҳам эгулик ғояларини тарғиб қилди. Зеро,

**Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким, дегайлар дехр аро қолди фалондин яхшилик,** –

деган ўтли мисралар ортида биз ҳукмдорни эмас, дилбар қалбли инсонни кўраимиз. Ана шундай руҳий поклик давлати бошқарувида ҳам адолатли қарор-лар қабул қилишга ундаган бўлса ажаб эмас.

Бобур давлатчиликда қонун устуворлигига алоҳида эътибор қаратган. Унинг ҳукмронлиги даврида солиқ тизими тартибга солинди, ер муносабат-лари қайта қўриб чиқилди. Солиқларнинг адолатли тақсимланиши аҳоли фаровонлигига хизмат қилди. Зулм ва ноҳақликка йўл қўймади унинг сиё-сатининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Бу борада алоҳида “Мубай-йин” асарини яратиб, авлодларга ҳам йўл-йўриқ сифатида мерос қолдирди.

Яна бир эътиборли жиҳат, улуғ саркарда ўз рафиқларига нисбатан ҳам шафқатсизлик қилмаган. Кўп ҳолларда муроса йўлини танлаган. Адолатли ҳукмдор айти пайтда қатъий ва принципиал бўлиши кераклигини ҳам амалда намоён этган. Қолаверса, у ҳокимиятни абадий деб билмаган. У ўз асарла-рида инсон ҳаётининг ўткинчи эканини, дунё молининг фонийлигини таъкид-лайди. Бу қараш ҳукмдорни такаббурликдан, зулмдан асрайди. Чунки у би-либ турарди: тарих олдига ҳар бир амал ва қарор учун жавобгарлик бор.

Бобурнинг адолатли ҳукмдор сифатидаги қиёфаси унинг инсонга бўлган му-носабатида ҳам яқол кўринади. У оддий деҳқон ёки сарой амалдори ўртасида фарқ қўймаган, масалани адолат меъзони билан ҳал қилишга интиланган. Бу эса давлат бошқарувида ишонч муҳитини яратишга хизмат қилган.

Улуғ аждодимиздан мерос бўлиб қолган энг катта сабоқ шундаки, куч – адолат билан қимматлидир. Қонун устувор бўлмаган жойда давлат мус-таҳкам бўлмайди. Бобур ана шу ҳақиқатни бобокалони Соҳибқирон Амир Темиргонинг “Ҳар ишда адл ва инсофни раво кўрдим” нақли билан уйғун-лаштиргани сабаб темирийлар салтанати завол топган, янги империяга асос сола олди.

Буюк бобокалонимиз таваллудининг 543 йиллиги муносабати билан унинг илмий-ижодий меросига яна бир бор мурожаат қилар эканмиз, шуни ан-глаймизки, адолат – бу фақат ҳуқуқий тушунча эмас, балки маънавий қадри-ятдир. Адолат бор жойда тараққиёт, тинчлик ва фаровонлик бўлади.

Бобур ўз ҳаёти ва фаолияти билан шуни исботлади. Унинг номи асрлар оша эъзозланиши ҳам бежиз эмас. Чунки у ўзи қўрган давлат ва битган асар-ларидан ҳам кўра, адолатга садоқати билан инсоният тарихига муҳрланди.

Бугунги авлод учун Бобур сиймоси – масъулият, жасорат ва адолат рам-зидир. Унинг меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали биз ёшлар қалбида ватанпарварлик, инсоф ва қонунларга ҳурмат руҳини мустаҳкамлаймиз.

Зеро, адолат – давлатнинг пойдевори. Бобур эса ана шу пойдеворни мус-таҳкамлаган буюк аждодимиздир.

# ЭЪТИРОФЧУ ЭЪЗОЗДА БОБУР

Бобур Мирзо ўзининг қисқа умри давомида кўп хайрли ишлар қилишга улгурди. Бобур ва бобурийлар Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда яратган илмий-тари-хий, адабий-бадий китоблар, меъморий ёдгорликлар ва бошқа маданий бойликлар ўша юртларнинг зиёлилари ва оддий халқи томонидан кўз қорачигидек эҳтиётланиб, эъ-зозланиб сақланмоқда.

## Қамчибек КЕНЖА, Бобур халқаро илмий-экспедицияси аъзоси

Ўзбекистоннинг мустақилликка эри-шуви шарофати ва ҳукуматимиз ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг қў-лаб-қувватлаши, фидойи, ватанпар-вар Зокиржон Машрабов саъй-хара-кати билан Андижонда ташкил топган Бобур халқаро жамоат фондининг ил-мий экспедицияси томонидан тақдир тақозоси билан юртимиздан ташқа-рида қатнашиш каминига ҳам насиб этиб. Мазкур сафарлар давомида оддий борилган изланишлар, олинган таассуротлар, жамланган маълумот-лар “Ҳинд сориға”, “Андижондан Дак-кагача”, “Буюклар изидан”, “Андижон-дан Бағдодгача”, “Буюк соҳибқирон ўт-ган йўлларда”, “Бобурийлардан бири” каби рўмон-сафарномада баҳоли қудрат баён этилди. Зеро, у сафарлар чоғида мен қалбларимизни ифтихор ҳисларига тўлдирган кўлаб воқеа, да-лилларга гувоҳ бўлганман.

Бобур Мирзо Афғонистон ҳуду-дида, “Қандаҳор тоғининг тумшугида қаздургон тош иморати”, тўғрироғи, чехил зина(қирқ пиллапоя)дан ибор-ат тош нарвондан кўп машаққатлар билан чиқиб, қуёшнинг илк нурла-рини қарши оладиган тош айвон олди-даги теп-текис супа-майдонда туриб, шафқатгадигай кўринадиган кун чиқиш, қарғи жануб, шимол ёқлардаги бе-поён манзараларни, шимоли ғарбдаги шаҳар (Қандаҳор) ва ундан наридаги тоғларни таниқиб-энтиқиб томоша қи-лар эканмиз, инсоният заковатини асрлардан асрларга олиб ўтадиган ва сайёҳларни ҳайратга соладиган ушбу ўлмас-йитмас, жаҳонда ягона обида узокни ўйлаган, олис келажакни кўра билган Бобур Мирзонинг ўткир ақл-идроки маҳсули эканлиги ишонч ҳосил қилдик.

Қобулнинг шарқи жануб қисмида, шаҳардан четроқда, Шери Дарвоза тоғи бағрида жойлашган ва қарийб беш асрдан бери афғонистонликлар-нинг суюкли зиёратгоҳ ва оромгоҳи, Наврўзи айём ва бошқа мада-ний-маърифий тадбирлар ўтказадиган маскани бўлиб хизмат қилаётган Боғи Бобурдаги Бобур қабр-мақбара-сига, бир қатор бобурийлар дафн қи-линган зиёратгоҳга эса қирқдан ҳам зиёд узун ва кенг зиналардан чиқиб борилади.

Покистондаги, Ҳиндистондаги Бобур ва бобурийлар яратган кўлаб тари-хий обидалар – масжиди мақбаралар, бог-роғлар тўғрисида кўп ва ҳўп ёзил-ган. Шунингдек, биз бобурий ҳукмдор-ларга узок йиллар пойтахт бўлган Агра шаҳридаги дунё мўъжизаларидан бири Тожмаҳалли, у ерга ҳамма мин-тақалардан келаятган зиёратчилар оқимини кўриб қанчалар мутаассир ва лол бўлганимизни таърифлашга сўз кам. Шоҳ Жаҳоннинг учинчи ўғли Аврангзеб шарафига Аврангобод деб аталган шаҳардаги “Иккинчи Тож-маҳал” номи билан машҳур, Авранг-зеб Оламуғнинг ўғли Аъзам шоҳ то-монидан онаси Робия Дурроний бегим хотирасига барпо қилинган муаззам ва мухташам мақбара(қаршисидаги ҳовуз андازаси ҳам айнан Тожмаҳал олдидagi ҳовуздан олингани билиниб турарди)ни ҳеч шубҳасиз, ўғилнинг онага бўлган садоқати, меҳри-муҳаб-бати, фарзандлик бурчининг мукам-мал ижроси тимсоли деб баҳолаш мумкин эди.

Жайғур шаҳридаги Акбар шоҳ қур-дирган, нақшлари ғоятда жозибали Амир қалъанинг ҳам чет эллик саёҳ-

лар билан ҳаммиша гавжум сайроҳ, сайлгоҳ масканлардан бири эканли-гига амин бўлдик.

Хорижлик олимлар, адиблар, пуб-лицист-журналистларнинг Бобур ва б-бурийларга бағишланган илмий-ом-мабоп, тарихий, адабий-бадий кит-облари беҳисоблиги ва уларнинг китоб дўконларининг юқори тоқчала-рини беэаб турганлигини кўриш ҳам ғоятда мароқли эди. Экспедиция раҳ-бари уларни ҳеч иккиланмай, айтил-ган нархларга сотиб олар, камига эса шу мавзуларда аввалги даврларда нашр қилинган китобларни кўчалар-даги ёйма бозорлардан, китобдор-ларнинг шахсий коллекцияларидан излардик.

Мазкур роман, қиссалар, илмий рисола ва хотираларнинг ватандош-ларимизга катта ҳурмат ва эҳтиром алоҳида аҳамиятга эга эди. Уларда, айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳукмдорлик ва инсоний фа-зилатларига ғоятда юксак баҳо бе-рилган эди. Мен бу ерда жумладан, инглиз шарқшунослари ва асрбуру-носларидан Уильям Эрскиннинг “Ҳин-дистон тарихи. Темирийлар ва бобу-рийлар даври”, “Бобур ва Хумоюн”, Стейн Лейн Поулнинг “Император Бобур”, австриялик шарқшунос Фрид-рих Аугустуснинг “Император Акбар”, таниқли ҳинд адиби Муни Ляльнинг “Шоҳ Жаҳон”, шунингдек, Рашбрук Уильямсининг “Ун олтинчи аср бун-ёдкири”, Гарольд Лэмбининг “Бобур – йўлбарс”, Анна Флора Стилнинг “Тож-кийган дарвеш” асарларини назарда тутялман.

Инглиз олими Эдуард Хол-ден(ХIX аср)нинг қўйидаги таърифи оврўполик шарқшуносларнинг Бобур Мирзо шахсиятига нечоғли тани бе-

ришгани, қўйил қилишгандан дапо-латдир: “Бобур... олийжанобликда қан-дай хосиятлар бор бўлса, уларнинг барчасини эгаллаган”, “унинг мане-лайига юксак фазилатлар битиб қў-йилган”. (Менимча, Бобур Мирзонинг ҳар юрда, ҳам хорижда эъзозлани-шига асосий сабаблардан бири ҳам шунда.)

Зикр этилган китобларнинг аскари-яти Бобур халқаро жамоат фонди бу-юртмаси билан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр ҳам этилди.

Ҳайдарободдаги Салор Жанг му-зеи, Патнадаги Худобахш кутубхона-сида Бобур Мирзо асарлари, жумла-дан, “Бобурнома” кўлэмасини бизга варақлаб кўриш учун беришәтиб: “Эҳтиёт қилинлар...” дея оғохланти-ранларда, тўғриси, айримларимиз-нинг киприқларимизга ёш қалдик...

Лакновдаги Исломуниверситетида асосий фанлар Қуръони Карим, Ҳа-диси шарифлар бўлиб, улуғ ватан-дошларимиз, исломуоламининг бу-зурглари Исмоил ал-Бухорий, Имом ат-Термизийларнинг диний илм, пай-ғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳа-ёт, ахлоқ мавзусидаги маърифий ме-рослари ўқитиларкан. Ҳаммасидан ҳам дорилфунун раҳбарларининг “Биз Бобурни – Бобуршер” деймиз деган гапи бизни тўлқинлантириб юборди.

Мозийшунос Рифат Алихоннинг Дехли Миллий музейида уюштирил-ган мулоқот пайтидаги сўзлари бизни янада ҳаяжонга солган эди.

– Кўчаларимиздаги чиройли хиё-бонлар, фавворалар, мақбаро мухташам биноларни кўрсангиз, би-линеки, улар Бобур ва бобурийлардан қолган ёки ўшалардан ўрганиб, андоза олиб бунёд этилган, – деб эди у. – У-

## Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

### Ғазал

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон,  
Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон.  
Мейнон менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзунг хур,  
Райҳон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.  
Тафоҳур кўзум, кўнғлум қилурлар магар бордур,  
Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум ҳайрон.  
Ҳайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга,  
Бордур магар, қилурлар кўнғлум, кўзум тафоҳур.  
Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг,  
Парийдек сени кўрдум эмассен маган инсон.  
Инсон магар эмассен, кўрдум сени парийдек,  
Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур.  
Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг,  
Итобинг манга офат, ҳадибинг манга дармон.  
Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг,  
Васлинг манга даводур, ҳажринг манга балодур.  
Чу Бобур санга қулдур назар қил анга зинҳор,  
Топилмас яна бир қул анингдек санга, эй жон.  
Эй жон санга анингдек, бир қул яна топилмас,  
Зинҳор анга назар қил, қулдур санга чу Бобур.

### Тўртликлар

Тутмағил, эй гул, равоким, ишқинг ичра ҳар ғариб,  
Ерга бош қўйғай ҳазон яфроғи янглиғ сарғариб.  
Шаҳрдин безор бўлса, не ажаб, безар киши,  
Ишқ аро бемор бўлса, тонг эмас, бемар ғариб.

\* \* \*

Неча меҳрсизлиқтин ҳижрон йўлига борғай?  
Ким бу йўлдин, эй кўнгул, ул кўёшни қайтарғай?  
Ҳеч эшитмайин сўзни, ғамга солдилар ўзни,  
Ё кўнгулни, ё кўзни, — қайси бирисин қарғай?

бекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий-маърифий-адабий алоқа-ларнинг мустаҳкамланиши, барқа-рорлашуви ва абадий давом этишига бобурийлар пухта замин яратиб ке-тишган. Шунинг учун ҳам биз уларни ҳурмат қиламиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни дилбар шахс дея алқабган, Акбар шоҳни ўзларининг қадимда ўтган машҳур ҳукмдорлари Ашокага қиёсла-ган Ҳиндистон Бош Вазири Жавоҳар-лаъл Неру таъкидлаганидек, илди-злари узок тарихга бориб тақалуви халқларимиз, мамлакатларимиз ҳам-корлиги ва яқин муносабатларининг кейинги йилларда қизгин тус олгани юқоридаги изҳори дилларни бот-бот ёдимга туширмоқда.

Қисқаса, Бобур Мирзо ва унинг ҳукмдор авлодлари хорижда шундай иззат-икромларга сазовор экан, хўш, улар ўз ота-она юртларида қандай эъзозланипти, қандай эҳтиромлар кўр-сатилаяпти?

Зокиржон Машрабов ташкил эт-ган Бобур халқаро жамоат фонди 1992 йилдан бери ҳар йили 14 фев-ралда пойтахт Тошкент ва бошқа ви-лоятлардаги бобуршунос, адабиётшу-нос олимлар, ижодкорлар иштирокида Заҳириддин Муҳаммад Бобур тавал-луд кунини нишонлашни анъанага ай-лантирган. Бир неча бор Андижонда ва Тошкентда “Бобур адабий-илмий меросининг жаҳон маданиятида ту-тган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. 2013 йили пойтахтда бўлиб ўтган ана шун-дай анжуманда хорижлик, хусусан, ев-ропалик бобуршунослар жаҳон бобу-рушунослик маркази Тошкентга ва Ан-дижонга кўчганини баралла эътироф этдилар.

Бобур халқаро илмий экспедиция-сининг ўттиздан ортик сафарлари мо-байнида олиб келинган, темирий-бобу-рийларнинг қаламга оид ёки уларнинг фаолиятлари ҳақида инглиз, фран-цуз, ҳинд, урду, форс ва бошқа тил-ларда ёзилган турли жанрдаги ноёб китоблар, кўлэмалар, альбомлар 700 дан ошди ва улар Андижондаги “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейи-нинг ноҳий боёлиқлари сифатида қў-лаб тадиққотчилар ва ихлосмандлар диққат-эътиборини тортмоқда. Улар-нинг энг муҳимлари Бобур халқаро жа-моат фонди ташкилотчилиги ва ҳомий-лигида ўзбек тилига ўгирилиб нашр ҳам қилинди. Булардан ташқари, Фонд томонидан “Бобурнома” (3 марта) ва унинг тадбиқлаштирилган (замонвий тилимизга мослаштирилган) нусхаси, “Бобур ва бобурийлар. Библиогра-фия” (ўзбек ва рус тилларида), “Бобур энциклопедияси” (2 марта), Бобурнинг девон ва бошқа асарлари, шунингдек, олимлар ва шоир-ёзувчиларимизнинг Бобур ҳаёти ва ижодига бағишлан-ган турли жанрдаги асарлари ҳам чоп этилди.

Бобур боғида Бобур Мирзонинг рамзий қабри барпо қилинди, бошқа иш-шоотлар тикланди.

Демак, биз Бобур Мирзонинг ил-мий-бадий фаолиятини, унинг асар-ларини, хусусан, ёшлар онги-шуурига синдириб, уларни илм-фан, ижоднинг турли соҳаларида байроқдор бўлиш-ган ўтмишдошларимиз, бой ва сер-мазун тарихимиз билан гурурланиш руҳида тарбияламоғимиз, маънавий қадриятларимизни ардоқламоғимиз лозим.

Ҳа, биз Бобур ва бошқа буюк му-тафаккирларимиз билан чин дилдан фахрланишга ҳақли ва бурчлимиз. Чунки улар дунё аҳлига ўзбекнинг қимматини, бизнинг томирлари-мизда қандай аждодлар қони оқаёт-ганини, нималарга қодирлигимизни эслашиб, келажак воқисларига па-ноҳ, ибрат ва йўлчи юлдуз бўлиб ту-рибдилар.

# Маним хазратим



Навоий ҳақида тонг чоғи ёзсанг, Деразини ланг очиб қўйсанг, озода насимлардан кўксингни тўлдириб нафас олсанг-да, ютум-ютум покиза ҳавонинг ҳар бир ҳужайранга сирқираб югураётганини ҳис қилсанг, ботинингдаги барча ичкин ғуборингни ўтдай уфурсанг-да, боки-раланиб ёзишга ўтирсанг. Умрининг ибтидоида Атторнинг «Мантқиқ ут-тайр»ини – «Қушлар мантқиғи»ни ўқиб ошиқ бўлган ва умри ибтидоида «Лисон ут-тайр»ни – «Қуш тили»ни битган Навоий ҳақида сўз битаетганида, ташқарида қушлар чуғурлаб турса. Навоий ҳақида ёзишдан олдин озодаланишинг, энг оҳорли кўйлагингни кийишинг керак. Навоийни ўйласанг, у тўғрисида ёза бошласанг, кескин тилинг юмшаёди, сўзларинг ҳам ороланиб, чирой очиб боравереди.

## Карим БАХРИЕВ

Ҳар кимнинг ўз Навоийси бор. Бўлмоғи керак. Навоийси ўтган кун кун эмасдир. Мана бу ривоятни ҳам хазрат келтирганлар. Бир куни ўрмонда кўр сайёҳлар тўдаси филга дуч келиб қолади. Филни ўзларига дуч келган ерини пайпаслаб кўрадилару тасаввур қилдилар. Кейин юртга келиб ҳикоя қилдилар. Филнинг оёғини ушлагани уни «устун» деб таърифлайди. Думини тутгани «килонга» ўхшар экан, дейди. Белини тутгани – «кўтосга», қулғини пайпаслагани «япроққа» менгазайди...

Навоий салохияти ҳам улкандир. Навоий ҳаёти ва ижодининг у ёки бу жиҳатига ошно тутиниб қолган бизлар ҳам шу кўр сайёҳларга ўхшаймиш. Ҳа, ҳар кимнинг ўз Навоийси бор. Биров «Хамса»дан хабардор. Яна биров «девон»ларни ўқишга жазм этган. Яна кимдир «Маҳбуб ул-қулуб»ни мутлаа қилгандир. Ҳеч бўлмаганда, Юнус Ражабийнинг «Қаро кўзим»ини, Муножот Йўлчиева ихросидаги «Муножот»ини ёки Отажон Худойшукрунинг «Сувора»сини эшитганмиш. Ҳар ким Навоийга ёндошир. Навоийни бутунча тасаввур қилиш «филни фил ҳолича кўриш», эҳтимом, имконсиздир, мислсиз аклий меҳнатни талаб қилади.

Ҳар кимнинг ўз Навоийси бор. Умринидаги ҳар ёшимизнинг ўз Навоийси бор. Биз умримиз мобайнида Навоийга қайта-қайта келаверамиш. Болалигимизда ёш Алишер ва Хусайн Бойқаронинг дўстлигига ҳавас қилганмиш. Йигилликда ўзимизни Фарҳод Мажнунга менгаганмиш, ўз Лайли ва Ширинларимизга Навоий байтларидан қистириб мактублар битганмиш. Ҳаёт талотўплари дуч келганда, мусофирликда юрганда Ҳироту Самарқанд, Қобулу Астрообд кезиб шаҳзодаларни сулҳга келтирган Навоийга топинамиш. Улғайганимиз сари Навоиймиш ҳам «улғаяди», оппоқ соқолларини силаб, чигал саволларимизга биз билан бирга ечим излайди, ҳаётсеварлигимизда Навоий бўлиб навосозлик қилади, кескаликда умри бебақони ўйлаб ўйга толганимизда, Фоний бўлиб дарс беради, ўлим ва абдиат тўғрисида ҳамсухбат бўлади, ҳамдардлашади.

Менинг ҳам ўз Ҳазратим – Алишер Навоийим бор. У илк ўқитувчиларим – Неъматуллох Исмат ва Эргаш Мухтор сабоқларидан дилматга тушган. Самарқандда ва Москвада тахсил олганларимда Воҳид Абдуллох, Нуриддин Шукур ва Ботир Валихўжа дарсларидан ёдимга кўчган. Навоийи менга сингирганлар орасида устозларимиз Азизхон Қаюмов, Абдуҳодир Ҳайитметов, Иброҳим Ғофуров, Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олимнинг хиссалари беқийс – бирлари билан суҳбатдош бўлдим, бошқаларининг битикларини ўқиганман. Ва ниҳоят, Навоий ҳақидаги энг ноёб манбаа Навоийнинг асарларидир. Имон қадар, ақли ожизимиз этганча ўқиганмиш, ўқиялмиш ва ўқирмиш. Шу тариқа, эл катори менинг ҳам қалбимда ўз Алишер Навоий бобом – Маним Ҳазратим шаклланган.

### «Аён ҳар оласида ишқ доғи...»

Маним ошиқ Ҳазратим. Навоий – ошиқ, Алишер Навоий асарларининг бок мавзуси ишқдир. Инсонни комилликка элтadиган восита муҳаббатдир. Ҳар бир ғазал ошиқ руҳиятининг оний тасвиридир. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингари дostonларда эса ошиқликнинг савқи илоҳийси, ишқнинг тараннуми бадий тинсоллар воситасида очилган, ишқ Навоий асарларининг бош мазмун-моҳиятини ташкил этади. Билъакс, «Фарҳод ва Ширин» дostonини бошлар экан, шоир бунга таъкидлаб ўтади:

**Бу рангин саҳфа, билким, дард боғи,  
Аён ҳар оласида ишқ доғи.**

Навоийнинг эътирофича, «башарият кўзининг нури зиёси ишқдан», ишқ «толе кўешидир, қайғули диллар тиканзори ундан гулшандир. Ошиқ «сут ичса дур бўлур, қон ичса – ёқут».

Ишқ дардини чеккан ҳар ошиқ борки, Ҳазрат Навоийдан мадад топа олади. Навоийнинг ишқи мислсиздир. У ишққа дохил инсонларнинг «ҳами тилу, ҳам кўнгли-ю, ҳам кўзи пок» эканини айтади. Инсон ишқ ўтидан покланади.

Алишер Навоийнинг ишқ ҳақидаги назарий қарашлари «Маҳбубул қулуб»да акс этган. Шоир ишқни уч тоифага ажратади. Биринчиси – оддий одамларнинг жисмоний лаззат ва шахвоний нафс билан чегараланган ишқи. Унинг олий мартабаси шаръий никоҳдир. Иккинчиси – пок кўзини пок ният ила покиза юзга солган, пок кўнгли ила покиза чехранинг шавҳидан беқарор бўлган пок инсонларнинг хос ишқи. Бунга ҳозирда «платоник муҳаббат» дерлар. Учинчиси – Ҳақнинг жамолига етиш умидида матлуб бўлган сиддиқлар, яъни шу йўлда ўзини-да унутган, ўлимига-да тайёр ҳақўйлар ишқи.

Маним Ҳазратим ҳам умрлари мобайнида ёзган ғазалу дostonлари тараннумида Фарҳод каби ана шу «хос пок ишқ»қа дохил бўлдилар. Шоирнинг оидин назарини ишқ эҳтироси нурантириб турадир. Ишқ – Яратганнинг неъматидир, инсонни ёндириб поклайдир. Ишқ Қайси мажнуну телба қилган бўлса, Фарҳодни тоғларни ёғдай кесиб, қасрга айлантирган бунёдкорга айлантирди – бирини адо қилди, бошқасини пайдо айлади.

Кейинги пайтларда Навоийнинг ошиқлигини тамомилан мажозий ишқ сифатида талқин этадиган татқиқотлар оқими дунёга келди. Менинг назаримда, Навоийнинг севгиси аксарият ҳолларда дунёвий севгидир. Аслида мажозий ишқ билан ҳақиқий ишқ қарама-қарши турмайди, мажозий ишқ ҳақиқий ишқнинг тажассумидир. Бунга Навоийнинг ўзи таъкидлагандир:

**Гар Навоий йиғласа,  
ишқинг мажозийдир дема,  
Ким назар пок айлағач,  
айни ҳақиқатдир мажоз.**

Уламоларнинг таъкидлашича, Аллоҳнинг мислсиз ақлидан бир мисқоли унинг муқаддас китобларида, уларни мушоҳада этган мутафаккирларда акс этса, Яратганнинг мислсиз ҳусну қамалидан бир чимди ми гўзал йигит ва қизларда зухурланади. Мавлоно Румий Аллоҳ «ғизли қудратини бандга озгина намойиш этиш учун дунёвий яратганини айтади, яъни унинг яратгани шунчалар гўзал бўлса, Яратганнинг ўзи қанчалар мислсиздир. Шунинг учун гўзал ва пок чехрага ошиқлик – Ҳаққа ошиқликка етаклайди. Ишқи мажозий ишқи ҳақиқийга олиб боради.

Навоий умрининг сарҳисоб палласида битган «Лисон ут-тайр»да ўзини, ўтган умрини ҳам шафқатсиз тафтиш қилгани аён. Аллоҳ даргоҳига сафарга тайёргарлик онда у умрини ўткинчи ҳою-хавасларга, ошиқ-маъшукликка сарф этганидан нолайди, ўзини Аллоҳқа эмас, маҳбубасига қўрбон бўлишига тайёр эканини сўзлаган дамларидан афсусланади: «Аллоҳ-Аллоҳ, ўлдирур шармандалик, Ёдима келса бу янлиқ бандалиқ». Бу эътироф Навоийнинг аксарият ғазалиёти ва ишқий дostonлари дунёвий ишқнинг маҳсули эканини англаштиради.

**Юз қаролик онча бўлмиш жаҳл аро,  
Ким кўзимга қилди оламни қаро...**  
Умрининг охирида бу қадар аёвсиз зорланиш, ўзини аямаслик ҳам Навоийнинг яна бир жасоратидир.

### «Шамъки, тузлук билан масрур ўлур...»

Маним Ҳазратим ҳақ сўзининг қулидир. Навоий ҳақиқий мўмин-мусулмон эди. Ҳадиси шарифларда айтаилдики, «Аллоҳнинг йўлидаги энг катта жиҳод – ўз зарарига бўлса ҳам ҳақ сўзини айтмоқдир».

Навоийнинг фикрича, ҳар ҳандай юзлаган мушуқларнинг ечимини тўғрилиқдадир: **Тузлукка мойил ўлки, ишинг боргай илағри,**

**Юз мушуқул ўлса йўқса минг олдинда ҳар замон.**

Навоийнинг айтишича, котиб қалами тўғри бўлса, «юз саҳфани рақам» қилади, чўпон тағи тўғри бўлгани учун «минг кўйини бир асо била жам» қилади.

Алишер Навоий «Ҳайратул аброр»да шундай сатрларни битган: **Шамъки, тузлук ила масрур ўлур,  
Гарчи куяр, боштин аёқ нур ўлур.  
Барққи, эзрилиқ улубтур хўйи,  
Гарчи ёрур, лек борур ер кўйи.**

Яъни: шам тўғрилиқдан масрур, шод-

дир, чунки, ўзи куйса-да, бошдан оёқ нур сочади, оламни ёритади, яшин эгри бўлгани учун бир ярқ этади-ю, ер қаърига кетади. Рост гапирининг имкони бўлмаса, ҳеч бўлмаганда ёлгон сўзламасликка куч топиш керак, дейди Навоий: «Чин демас эрсанг, дема ёлгон доғи».

### «Қурт жондин кечиб ипак бўлди...»

Маним Ҳазратим – омилкор инсон, сўз ва амал бирлигининг тарафдоридир. Навоийнинг асарларини татқиқ этган бир қатор олимларимиз унинг нақшбандия тариқатига дохиллигини таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, Навоийнинг бутун ҳаёти «Дил ба ёру даст ба қор» йўригининг исботидир.

Болалигимиздаёқ мутлаа қилганимиз Навоий ҳақиндаги бир халқона ҳикоя ёдга тушади. Бир йигит доимо одамларга ёрдамлашар, араваси лоғга ботганларнинг аравасини йўлга чиқарар, бечораларнинг юкни кўтаришиб борар, бузилган кўприкларни тузатиб қўяр, йўлда бир тош турган бўлса, йўловчиларга халал бермасин, деб четла олиб ташлар экан. Алишер Навоий шу йигитга эҳтиром кўрсатиб, доим салом берар, сўрашар эканлар. Йигит ўзича шундай фикр қилибди: **«Мен бир оддий йилтега шунча эҳтиром бўлса, кел, масжидга кириб номоз ўқий, тақводор бўлай, шунда Ҳазратинг олдларидан янада зътибора сазовор бўлам»**, дебди. Йигит тўн кийиб, салла ўраб, эрта-кеч тақво билан машғул бўлибди. Бир куни Навоий йигитни кўриб, шунчаки салом бериб ўтиб кетибдилар. Йигит бошқа гал Ҳазратини учратиб, сабабини сўрабди. Шунда у киши йигитга: **«Ае-вал, элга, бева-бечораларга наъфинг теби турганда асли мусулмон эдинг»**, дебдилар. Навоий диний мутаассибликка, экстремизмга қарши инсондирлар.

Шунинг учун айтилганки: **«Кимки бир кўнели бузуқнинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Қазба ваёрон бўлса обод айлағай»**. Бежиз Навоий «эл ғамидан ғамми» бўлмаган кишини одам эмаслигини таъкид қилмайди.

Аҳмад Яссавий: **«Туфроқ бўлгил, олам сани босиб ўтсин»**, деб лутф қилганлар. Шавкат Раҳмон чехрасининг ҳорғинлини, ердай рангарлигини юзига солганларга қарата: **«Ухшасак ўхшамиш ўз еримизга»**, деб ёзган эди. Навоий ана шундай ўзини хокисор тутувчи инсонларни соғиниб яшагандир:

**Бу қадар манзилату қурби буюк поя била,  
Узини тутқучи туфроғ ила ҳамвор қани?**

Элга наъф келтириш учун ва Аллоҳнинг бандалигини оқлаш учун Ҳазрат Навоий «ўзини туфроқ ила ҳамвор», тенг қўрган ва бу билан шарафланган инсон эдилар. Ҳазрат Навоийнинг инсонларварлиги амалийдир. **«Мунишот»** – салтанат валеъаҳдларига битилган мактублар китобидир. Шу билан бирга, бу мактублар барча инсонларга ҳам даъват этилгандир. Унда шоир ўз хоксорлигини намоён этади, халққа фойдаси тегадиган амаллар юзга чиқиши, элнинг дарди подшоҳларга етиши учун ўзини бир қадар пастга уришдан ор қилмайди. Навоий чамаси Бадиуззамон мирзога ёзган мактубида шу сатрларни битган: **«Бу фақри ҳоксор ва бу хокиваши беъэтиборким, бу давлатнинг эшик остонасига туфроғдек тушуб эрдиму ҳаёлимда бу эрдиким, магар ажал сарсари туфроғимни бусагадин совергай ва ўлим сайли хошкимни бу зшиқдан сургай ва лекин ҳаёл бо-тил экандур ва мудоао отил...»** Бугун бизнинг назаримизда Навоий қанчалар юксак ва буюк, тахт талашган шаҳзодалар қанчалар тубан қўринади. Аммо Навоий ўз мактуби тахт эгаларига оғир ботмаслиги чораларини қўради, ўзини давлатлик хонадон эшигидега туфроқ деб таништиради, чунки эл учун бир хайрлик иш амалга ошиши Ҳазратимга ўзларининг шахсий кибрларидан кўра зарурроқ қўринади.

### «Айладик сокин қурраи хокни...»

Маним Ҳазратим – Мир Алишер Навоий космик тафаккур соҳибидур. Навоий замонада замин воқе бўлиб, инсон яраганидан то ўзи тириклик дамларига ва келгуси авлодларга – бизгача ва биздан кейин келадиган авлодларгача фикр сурди. Навоий маконда коинот доирасида тахайюл дарёсига фарқ бўлади, самовий

тафаккур қилади. Шоирнинг тафаккур ва тасаввур миқёси самовийдир. Коинотни тасаввур қилар экан, Навоий она Заминимизни – қурраи хокни фалақиниётнинг маркази деб билади:

**Айладик сокин қурраи хокни,  
Соийр этиб давраи афлокни.  
Токи муҳит ўрнига афлок эрур,  
Маркази онинг қурраи хок эрур.**

Навоийнинг астрономиясида бутун коинот ер атрофида айланади. Навоийнинг фикрича, қурраи хокнинг, ернинг маркази эса «ганжи роз» бўлган инсондир: **Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
Лек баридир қараз инсон эди.** Инсон заминнинг «ганжи роз»игина эмас, у фирқовчи, «орифул маърифат» ҳамдир. Навоий дунёни «ҳарам» – муқаддас деб билади, у инсонни «ҳарам махрами» ҳисоблайди:

**Айла Навоийни бурун одамий,  
Ким бўла олғай бу ҳарам махрами.**

Демак, инсон коинот марказида турмоғи – «ҳарам махрами» бўлмоғи учун «одамийлик» – инсонпарвар бўлмоғи керак. Одамийлик йўқолганда ҳаёт тўғайди, Қиёмат бўлади. Навоий «Хамса»нинг бошланишида осмон бир этак гўлдай тўқиладиган, юлдузлар бир ҳовуч қулдай тўзиб кетадиган қиёмат қойим манзараларини чизади. Бундай қиёмат қойим кунда инсон учун наҳот имкони бўми? Навоий ёзади:

**Ул нафас иймон менга ҳамроҳ қил,  
Кўнгулум аро маҳви сиваллоҳ қил...**

Шул тариқа, Алишер Навоий наҳотни – иймонда, иймонни одамийликда, орифул маърифатда кўради.

Дарвоқе... Ҳар кимнинг ўз Навоийси бўлмоғи керак. Навоийга яқинлашиш учун ҳаракат лозим. Навоий, аксарият толиби илмлар ҳаёли қилганидек, мураккаб эмас. Журъат билан киришган инсонга Ҳазрат Навоий босқич-босқич очилиб боравереди ва бу очилишдан инсон камолот касб этади.

Навоийни жиҳдий ўрганиш лозимлигини ва Навоийнинг ўзбеклар ва умуман туркийлар учун қимматини ўтган асрнинг бошида Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон кўтарган эди. У зиннинг «500 йил (Ўзбек билим ҳайъатига)» номли мақоласида шундай ёзганди: **«Чигатой адабиёти ва тилчага Навоийнинг қилгон хизмати жуда улғурдир. Бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунге содда шеваси, менимча, ўша чигатой шевасидан ўзга эмасдир... Усонли адабиётнинг улғу вақили бўлгон Фузулийни машхур усмонли ёзғувчиси Шамсиддин Сомибек Навоийдан кейинга қўйиб қўрсатадир. Мана бу ҳам, биригина ўзбек қавми адабиётида эмас, умум турк халқи адабиётида ҳам ўзига яраша жой олгонни қўрсатадир»**.

Чўлпон Навоийнинг беш асрлик маросимини нишонлаш лозимлигини таъкидлар экан, ёзади: **«Оламда ўз адабларига 5-6 асрлик бир тарих яшаба билган халқлар учун кўб эмасдир... Руслар Пушкинине ҳар 5 йили учун ҳам катта байрамлар ясайдилар»**. Чўлпон Навоийнинг тантанасига тайёргарлик асосида ҳайъатлар тузиши, асарларини чоп этиши, мукамал таржимаи холини яратиши, Навоий шева-ларидан терма бир асарнинг нафис қилиб чоп этилишини, унинг номига стипендиялар ташкил этишини, кўчаларга унинг номи қўйишни орзу этади.


Буюк шоир Чўлпоннинг орзулари мустақиллигимиз шафрати билан тўла амалга ошмоқда. Бугун мамлакатнинг бош майдонларидан бирида унинг ҳайкали қад ростлаган ва бу ерда умуммамлакат тантаналари ўтади, келин-кўвўлар никоҳ олдидан Навоий пойига гул қўядилар. Навоий номига шаҳар барпо этилган, институтлар, миллий кутубхона, адабиёт музейи, миллий боғ, театр ташкил этилган. Озод юртимизда Алишер Навоий асарларининг йигирма жилдлиги чоп этилди.

Балким бизнинг асримиз технологиялари, компьютерлари, космик кемалари билан олға кетгандир. Аммо тафаккур ва маънавиятда ҳали биз Навоий сари интилишимиз керак. Энди ҳар биримиз Навоий оламига сафар қилишга чоғланишимиз лозим.

## Эҳтиром

9 февраль – миллат руҳи уйғонадиган, сўз қудрати яна бир бор қадрланадиган, ўзлигимизни англашга чорлайдиган улғу кун. Чунки бу кун – шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд топган кун.

# Бизнинг илдизимиз, бизнинг келажагимиз!



## Зарнигор САМАРБЕКОВА, НамДУ филология факультети, ўзбек тили йўналиши 1-курс талабаси

Бугун биз, ёшлар тезкор ахборот, ижтимоий тармоқлар, замонавий технологиялар даврида яшаймиз. Аммо шундай шиддатли замонда ҳам бизга суянадиган, йўл кўрсатадиган маънавий устун бор. У – Навоий мероси.

Алишер Навоий ўтмишда яшаб ўтган шоир эмас. У – бугун ҳам биз билан бирга нафас олаётган, фикрлаётган, қалбимизга савол бераётган мутафаккир. У туркий тилда ижод қилиб, бу тилининг қудратини бутун дунёга исботлаган улғу эродир.

Навоийнинг болалиги илм ва маърифат муҳитида кечган. У жуда ёшлигидан билимга чанқоқ бўлган, китоб билан дўстлашган. Тўрт ёшида мактабга борган, икки тилда – туркий ва форсий тилларда эркин ижод қилган. Бу биз, бугунги талабалар учун ҳам катта ибрат.

Навоий фақат шоир бўлиб қолмаган. У давлат ишларида ҳам фаол иштирок этган, халқ дарди билан яшаган. Мадрасалар, масжидлар, кўприklar, йўллар қурдириб, жамият тараққиёти учун хизмат қилган. Яъни, у сўз билан ҳам, амал билан ҳам адолат тарафдори бўлган. Унинг «Хамса»си – туркий адабиёт тарихидаги буюк воқеа. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби дostonлар орқали Навоий инсонга муҳаббат, вафо, адолат, ватанпарварлик нималигини ўргатади. Бу асарлар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари эса биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки у она тилимизни ҳимоя қилган, унинг имкониятлари чекланмаганини исботлаган. Бугун она тилимизни ардоқлаш, тўғри ва чиройли сўзлаш Навоий олдидаги маънавий бурчимиздир.

Навоий умрининг сўнги йилларида ҳам қаламини қўлдан қўймаган. «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарлари инсон ахлоқи ва жамият ҳақида чуқур фикрлар билан тўла. У бизга қандай яшаш кераклигини эмас, қандай инсон бўлиш кераклигини ўргатади.

Навоий номини асарлар оша давом эттирган, унинг маънавий мактабини янги даврда юксак поғонага олиб чиққан шоирлар ҳам бор. Ана шундай буюк ижодкорлардан бири, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповдир. У ўз ижоди билан Навоий руҳини замонавий тафаккур билан уйғунлаштириб, унинг ғояларини XX–XXI асарларга олиб кирди. Шу маънода, Абдулла Ориповни Алишер Навоийнинг маънавий давомчиси, деб аташ тўла асослидир.

Абдулла Орипов буюк бобоклонимиз Алишер Навоий образини яратишда замонавийнинг барча шоирларидан ҳам юксакликка кўтарилди олди. Жумладан, унинг «Ўзбекистон» шеърисида қуйидаги мисралар бунинг яққол исботидир:

**Беш асримиз намзий саройни,  
Титратиди занжирбанд бир шер.  
Темур тиги эмганган жойни,  
Қалам билан олди Алишер.**

Бу мисраларда Навоий «занжирбанд шер» тимсолида гавдаланади. Яъни, у жисман ўтмишда қолган бўлса-да, унинг сўзи, фикри, маънавий қудрати ҳана олзаг адабиёт саройини титратиб келмоқда. Темур қиличи эта бўлмаган маънавий чўққиларни Навоий қалам билан забт этгани эътироф этилади. Абдулла Орипов эса бу ҳақиқатни англаган ҳолда, Навоийга таъзим қилибгина қолмай, унинг бошлаган йўлини давом эттирди – сўзни Ватан, миллат, истиқлол хизматида сафарбар этди.

Бугун Навоий номи мактабларимизда, университетларимизда, кўчаларимизда, театр ва музейларимизда яшайпти. Лекин Навоий бобомиз қалбимизда ҳам яшайптими?

Навоийни – мажбурий эмас, эҳтиёж бўлиши керак. Навоийни англаш ўзлигимизни англашдир. Биз, ёшлар, агар маънавий илдизимизга суянсак, келажақда ҳам йўлимизни йўқотмаймиш.

Келинг, Навоийни байрамлардагина эмас, ҳар куни ўқийлик. Чунки Навоий миллат ўтмиши эмас, миллат келажагидир.



МУХОКАМА УЧУН МАВЗУ

# БЛОГЕР ЭРКИНЛИГИ,

## билим ва журналистика чегараси

Ахборот асрида яшаётимиз. Бугун ҳар бир инсоннинг қўлида минбар бор: смартфон — камера, ижтимоий тармоқ — майдон, аудитория эса доим ҳозир. Ана шу жараёнда блогерлик жамият ҳаётига шиддат билан кириб келди. Блогерлар фикр билдиради, баҳс қилади, муаммо кўтаради ва баъзан жамоатчилик кайфиятига таъсир кўрсатадиган кучга айланмоқда.

Бу — замон талаби. Аммо шу билан бирга, табиий савол туғилади: блогер ким ва у журналистика билан қай даражада боғлиқ?

Муҳиддин ОМАД,  
журналист

Блогер — интернет орқали ўз фикри, тажрибаси ёки кузатувларини оммага етказиб турадиган шахс. У жамият, маданият, таълим, технология, ҳатто ижтимоий-сиёсий масалалар ҳақида ҳам мулоҳаза юритиши мумкин. 1990 йиллар охирида веб-кундалик сифатида пайдо бўлган блогерлик 2010 йиллардан сўнг Facebook, YouTube, Instagram, Telegram, TikTok каби платформалар орқали оммавий ҳодисага айланди.

Блогерликнинг асосий устунликлари сўз эркинлиги, тезкорлик ва аудитория билан тўғридан-тўғри мулоқот имкониятидир. Шу жиҳатдан блогер ахборот маконининг фаол иштирокчисига айланди. Бироқ айнан шу нуқтада блогер ва журналист ўртасидаги фарқ масаласи долзарб бўлади.

Журналистика — тасодифий машғулот эмас. У назария ва амалиётга таянган, олий таълим муассасаларида тизимли равишда ўрганиладиган, касбий билим ва малака талаб қиладиган мустақил соҳа. Журналист ахборотни қандай ёзишига эмас, нега ёзиш, қачон ёзиш ва бу ахборот жамиятга қандай таъсир кўрсатишини ҳам билиши шарт.

Журналист — жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориш ва уларни таҳлил қилиш қобилиятига эга мутахассис. Бунинг учун у иқтисод, ҳуқуқ, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат ва маданият соҳалари ҳақида етарли билимга эга бўлиши лозим. Чунки журналист ахборот тарқатиши билан бирга, фикр шакллантиради ва жамоатчилик олдида жавобгарликни зиммасига олади.

АЙРИМ ҲОЛЛАРДА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИККА ЭГА БЎЛМАГАН БЛОГЕРЛАРНИНГ ЎЗИНИ "ЖУРНАЛИСТ" СИФАТИДА ТАНИШТИРИШИ КУЗАТИЛМОҚДА. Бу эса муайян МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ: ҲАҚИКАТ БИЛАН ГУМОН, ТАНҚИД БИЛАН ҲАҚОРАТ, ЖАМОАТ МАНФААТИ БИЛАН ШАХСИЙ ПОЗИЦИЯ ЎРТАСИДАГИ ЧЕГАРА ХИРАЛАШАДИ. Бу ҳолат сўз эркинлиги эмас, ахборотдаги БЕҚАРОРЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ.

Албатта, блогернинг фикр билдиришига, кузатувларини ёзишга, шахсий позициясини очиб баён қилишга тўла ҳаққи бор. Бироқ журналистика билимларига эга бўлмаган ҳолда ўзини журналист деб аташ, касб номи орқали ишонч қозонишга уриниш тўғри эмас. Бу камситиш эмас — касбга, илмга ва меҳнатга бўлган ҳурмат масаласидир.

Диплом ва касбий билимсиз инсон ўзини муҳандис, педагог ёки учувчи деб аташга ҳақли бўлмаганидек, журналистика соҳасида ҳам аниқ талаблар мавжуд. Журналист бўлиш учун — журналистика фанларини ўрганиш, — ахборот манбалари билан ишлашни билиш — таҳрир ва талқин қоидаларига амал қилиш, — касбий этика ва жавобгарликни ҳис этиш шарт.

Шу маънода журналист — диплом, билим ва масъулият эгаси. Блогер эса — шахсий минбар соҳибидир. Икки тушунчани аралаштириш касб қадрини пайсаяттиради, жамиятни чалғитади ва ахборотга бўлган ишонччи суайстиради.

Ахборот майдони кенгайган сари тартиб, билим ва масъулиятга эҳтиёж ҳам ортади. Сўз эркинлиги — юксак қадрият. Аммо у касбий билим ва масъулият билан уйғун бўлмас, жамиятга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши мумкин.

Шунинг учун блогер — блогер ўрнида, журналист эса журналист ўрнида қилиши керак.

Тажриба, билим ва ахлоқ вақт синовидан ўтадиган қадрият. Бугун ахборот майдонини ҳавфли бир услуб кўзга ташланмоқда. Бу ижтимоий тармоқда "шовқин" кўтариш орқали танилиш истаги. Айрим блогерлар учун мазмун, гоё ва жавобгарлик эмас, айнан шов-шув асосий мақсадга айланиб қолган. Бу эса нафақат ахборот сифати, балки жамият маънавий мухити учун ҳам жиддий хавф ҳисобланади.

Шов-шув шухрат эмас. У фақат вақтинчалик томоша саҳнаси, холос.

Бугун "вирус"га айланган контент эртага жамоатчилик олдида уят ва пашаймонликка сабаб бўлиши мумкин. Машмаша орқали йиғилган аудитория сабрсиз бўлади: у ҳар сафар янада кескин, янада чегарадан чиққан ҳаволани кўргиси келади. Бундай талаб эса блогерни мазмундан эмас, мижозлардан озикланадиган ҳолатга солиб қўяди.

Қадриятга таянган аудитория эса барқарор бўлади. У фикрни қутади, таҳлилни қадрлайди, шахсни ҳурмат қилади. Лайклар, кўришлар ва обуначилар — бу фақат рақамлар. Аммо инсон шаъни рақам билан ўлчанмайди. Уни йўқотиш осон, тиклаш эса жуда мушкул.

Шу боис ҳар бир блогер ўз-ўзига: "Бу ҳаволани фарзандим ёки яқинларим кўрса, уялиб қолмайманми?", деган саволни бериши керак. Агар жавобиди ақилли бўлса, демек йўл нотўғри танланган.

Блогер ижтимоий тармоқ орқали минглаб, баъзан миллионлаб инсонларга таъсир кўрсатади. Нотўғри сўз, асоссиз айблов, ҳақорат ёки ёлғон шов-шув нафақат аудиторияни, балки умумий ижтимоий муҳитни ҳам заҳарлайди. Шу маънода блогер хоҳласа-хоҳламаса — жамоатчилик олдида ўрнак сифатида қабул қилинади.

Албатта, гоё тугаган жойда ҳурматсизлик пайдо бўлади. Ижод, фикр ва изланиш бор жойда эса ҳурмат шаклланади. Агар айтадиган гап қолмаган бўлса, энг тўғри йўл янги мижозни кидириш эмас, ўз устида ишлашдир. Чунки ҳақиқий таъсир банд овоз билан эмас, мазмун билан яратилади.

Шахсий ҳаётни оммавий ҳаволага айлантириш ҳам алоҳида масала. Оилавий келишмовчиликлар, никоҳ ёки ажрим, интим муаммоларни томоша сифатида оммага тақдим этиш аудиторияни бойитмайди, аксинча, инсоний қиёфани заифлаштиради. Ҳамма нарса ҳам ошқора намоиш этиш учун эмас. Айрим чегаралар борки, уларни

Шахсий ҳаётни оммавий ҳаволага айлантириш ҳам алоҳида масала. Оилавий келишмовчиликлар, никоҳ ёки ажрим, интим муаммоларни томоша сифатида оммага тақдим этиш аудиторияни бойитмайди, аксинча, инсоний қиёфани заифлаштиради. Ҳамма нарса ҳам ошқора намоиш этиш учун эмас. Айрим чегаралар борки, уларни бо-сиб ўтиш шухрат эмас, обрўсизлик олиб келади.

босиб ўтиш шухрат эмас, обрўсизлик олиб келади. Қонун ва миллий қадриятлардан ҳеч ким устун эмас. Шунингдек, блогерлик ҳам қонундан ташқари макон эмас. Ахлоқ, урф-одат ва миллий қадриятларга ҳурмат — ҳақиқий нуфузнинг пойдевори. Миллат қадриятини масҳара қилиш орқали йиғилган аудитория узоққа бормайди. Аммо ундан қоладиган доғ йиллар давомида инсон номига ҳамроҳ бўлади.

Танқид — душман эмас, кўзгу. У инсонга ўзини кўриш имконини беради. Етук блогер танқиддан қочмайди: у тинглайди, хулоса чиқаради ва хатосини тузатади. Ана шу жараён уни ўсишга олиб келади. Қадр-қимматни фойдага алмаштиришдан эса уялиш керак. Чунки пул топилиши мумкин, аммо обрў ҳар доим ҳам тикланавермайди.

Бугун кимдир машҳурлик супасида бўлиши мумкин. Аммо вақт ўтиб ўша ном қандай тилга олинади — энг асосийи шу. "Фалончи блогер эди", деган гап ҳурмат билан айtilса, демек инсон ўз вазифасини адо этган бўлади. Агар блогер бўлиш қўлидан келмас, ҳеч бўлмаганда инсон бўлиб қолиши шарт. Обуначилар кетиши, лайклар қамайиши мумкин. Бироқ, инсонийлик сақланиб қолиши керак. Юртимизга кўз тегмасин, фитнес-ю болалардан Яратганининг ўзи асрасин! Баъзан хато қиламиз, адашамиз. Лекин бошқалар олдида шарманда бўлиб қолишдан ҳам тийилишимиз керак.

Блогерлик — минбар. Минбар эса ҳазил учун, манфаат учун, манфурлик учун эмас, масъулият учун берилади. Сўз билан майдонга чиққан ҳар бир инсон уни қуролга эмас, хизмат воситасига айлантирсин. Шунда ахборот майдони тозаланади, жамият эса манфаат кўради.

Дарвоқе, рақамли асрда дунёнинг машҳур блогерлари ҳам жамият ҳаётини янги ижтимоий куч сифатида майдонга чиққан эди. Улар энди кунда фақат кўнгулчор ҳавола яратувчилари эмас, балки фикрни шакллантирадиган, қарашларга таъсир қиладиган ва ижтимоий ўсишларни белгилаб берадиган оммавий шахслардир.

MrBeast, Khaby Lame, Charli D'Amelio, IShowSpeed, Kai Cenat, PewDiePie каби блогерларни миллионлаб инсонлар кузатади. Уларни оммалаштирган асосий омил — аудиторияга яқинлик ва ишонч эканини ёдда туттиш керак.

Khaby Lame мураккаб сценарийларсиз, сунъий образларсиз оддий ҳаётий ҳолатларни ҳазил ва ишора орқали кўрсатди. У миллият ёки тилини эмас, барчага тушунарли инсон тажрибасини намоён этди. Самимийлик унинг асосий кучи бўлди.

MrBeast эса блогерлик фақат вақт ўтказиш эмас, балки катта гоёни амалга ошириш воситаси эканини исботлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги блогер алоҳида куч. Аммо бу куч миллият манфаати, маънавият ва инсонийлик билан уйғун бўлгандагина барака топади. Ақл ва мақсад билан қилинган контент ҳар доим қадри бўлиб қолади.

Агар блогер жамиятга таъсир қиладиган экан, у шунчаки камера олдидаги нотаниш қиёфа эмас. У — миллият юзларидан бири. Шунинг хис қилган блогергина ҳақиқий маънода оммалашган, ҳақиқий маънода жавобгар шахс бўла олади. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай, азиз газетхон?

### Тафаккур

Ризо — бу шодликдир. Яъни, Ҳақ таоло томонидан неки бало ва кулфат етса, бунга хушнуд бўлади. Ва кўнглимиз бу болаларга қарши эътироз қилмайди, чунки болалар дўстдан келгандир.

Хожа Абдуллоҳи ҚИЖДУВОНИЙ

Агар кўп сўзлашлик фойдали бўлганида эди, икки оғзинг ва бир қулоғинг бўлар эди.

Шу сабаб кўп эшитиб, оз сўзлаш керак. Агар жим бўлсанг, сўзлашинг яна ҳам ойдин ва таъсирли бўлади. Зеро, сукутда ҳам жимликнинг нури ҳамда сўзлашувнинг фойдаси яширин...

Шамс ТАБРИЗИЙ

## ИСПАНИЯ ҲАМ 16 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРГА ИЖТимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқламоқчи

Испания ҳукумати 16 ёшгача бўлган шахслар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқлашни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Педро Санчес 3 февраль кун БНААда бўлиб ўтган давлат раҳбарлари саммитида маълум қилди.

«Фарзандларимиз ҳеч қачон ёлғиз қолиш керак бўлмаган маконга ёлғиз тушиб қолмоқда. Қарамлик, зуравонлик, порнография, манипуляция ва шафқатсизлик майдони. Биз бунга ортиқ тоқат қилмаймиз. Уларни рақамли «Ёввойи Ғарб»дан ҳимоя қиламиз», — деган Санчес.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, ижтимоий платформалар «шунчаки расмийлик эмас», балки ёшларни текширишнинг самарали тизимларини жорий этишга мажбур бўлади.

Тақлиф этилаётган тақиқ вояга етмаганларнинг рақамли ҳимояси тўғрисидаги амалдаги қонунга ўзгартиришлар доира-

сида қабул қилинади. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси келгуси ҳафтада бошланиши кутилмоқда. Бундан ташқари, Испания ҳукумати ижтимоий тармоқлар раҳбарларини ноқонуний ёки нафрат уйғотувчи контентни ўчирмагани учун жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи янги қонунларни қабул қилади.

«Биз алгоритмик манипуляциялар ва ноқонуний контент тарқатилганини янги жиноий ҳуқуқбузарликка айлантираемиз. Нафрат тарқатишининг ўз баҳоси бўлиши керак», — деган Испания ҳукумати раҳбари.



Санчес, шунингдек, Испания трансчегаравий тартибга солишни мувофиқлаштириш ва унга риоя этилишини таъминлаш учун Европанинг яна бешта



давлати билан — «рақамли технологияларга тайёр бўлганлар коалицияси»га қўшилганини айтиди. Санчес гап қайси давлатлар ҳақида кетаётганига аниқлик киритмади, бироқ коалиция яқин кунларда учрашув ўтказишини қайд этди.

ADOLAT logo and QR code for digital subscription.

Boш муҳаррир: Ислон ХАМРОЕВ  
Таҳрир хайъати:  
Робохон МАХМУДОВА  
Бахром АБДУҲАЛИМОВ  
Наримон УМАРОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Гавхар АЛИМОВА  
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА  
Қодир ЖўРАЕВ  
Озода ПАРШИБОВЕВА  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ

Котибият — 71 288-42-14 (144); 95 076-07-75  
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)  
НАШР Кўрсаткичи: 100  
Газета 1995 йил 22 февралдан чинка бошлаган  
Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев  
Масъул котиб — Абдуғани Содиков

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 201  
Адади — 2 755  
Босишга тошириш вақти — 21.00  
Босишга тоширилди — 21.10  
Баҳоси келишилган нархда  
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
«Шарқ» НМАК бошмақасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.